

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХАМИДОВ ХУСРАВ САДУЛЛОЕВИЧ

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ «МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ»
АСАРИДАГИ ҲИКОЯТЛАРНИНГ ГЕНЕЗИСИ, МАЗМУНИ ВА
КОМПОЗИЦИОН ҚУРИЛИШИНING ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК: 821.222.1
КБК: 83.3 (5)
X–24

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Хамидов Хусрав Садуллоевич

Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асаридаги
ҳикоятларнинг генезиси, мазмуни ва композицион қурилишининг
қиёсий таҳлили 3

Хамидов Хусрав Садуллоевич

Сравнительный анализ генезиса, идейного содержания и
композиционного строя притч «Маснави-йи маънави» Джалалиддина
Руми 25

Khamidov Khusrav Sadulloyevich

Comparative analysis of genesis, content and compositional structure of
the stories in work «Masnavi-ye Ma’navi» by Jalaluddin Rumi 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ХАМИДОВ ХУСРАВ САДУЛЛОЕВИЧ

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ «МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ»
АСАРИДАГИ ҲИКОЯТЛАРНИНГ ГЕНЕЗИСИ, МАЗМУНИ ВА
КОМПОЗИЦИОН ҚУРИЛИШИНING ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil.562 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуронбеков Ахмадкул
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Иномхўжаев Раҳмонхўжа
филология фанлари доктори, профессор

Очилов Эргаш Зокирович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П.Содиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

Б.Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида тасаввуф адабиёти бўйича кўплаб тадқиқотларнинг юзага келиши адабиёт билан тасаввуф орасидаги боғлиқликни янада теранроқ англашга хизмат қилади. Хусусан, мумтоз форс адабиётининг етакчи жанрларидан бўлмиш ҳикоятни ўрганиш жараёнида унинг ирфоний адабиёт ривожига кўрсатган таъсирини аниқлаш, бу мўъжаз ва машҳур жанрнинг мазмун-мундарижаси, кўламини белгилаш, ранг-баранг композицион қурилиши ҳамда кенг тарқалган муштарак ҳикоятларни қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида Румий ҳикоятларининг мазмуни ва поэтик хусусиятларига доир изланишлар олиб борилмоқда. Ҳикоятларнинг мазмун-мундарижаси, услуби, поэтик жиҳатлари муайян даражада ўрганилади. Адабиётшуносликнинг асосий қонуниятлари ва етакчи тамойиллари асосида Румийнинг диний, ирфоний, умумбашарий қарашларини ўзида акс эттирган «Маснавийи маънавий»даги ҳикоятларнинг генезиси, мазмун-мундарижаси, композицион қурилишини қиёсий равишда ўрганиш румийшуносликнинг муҳим йўналишларидан саналади.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар адабиёт равнақига ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказди. Турли халқлар сўз санъатини қиёсий аспектда ўрганиб, улар асосида адабий алоқалар ривожига ва ўзаро таъсир қирраларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш борасида кенг қамровли имкониятлар юзага келди. Зеро, «... буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш... жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутати»¹. Шу нуқтаи назардан Шарқ сўз санъатининг бадиий юксак намуналаридан бўлган, эзгулик ва маърифат ғоялари билан йўғрилган мутафаккир шоир Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»² асаридаги ҳикоятларни комплекс тарзда тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017 йил, 4 август.

² Бундан кейин қисқача «Маснавий» тарзида берилди.

Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Румий ижоди, хусусан, унинг «Маснавий» асари ҳақида жаҳон миқёсида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, асар Р.Никольсон, А.Арберри, Ҳ.Риттер, А.Шиммель, У.Читтик, Е.Бертельс, И.Брагинский, Э.Д.Джавелидзе³, А.Гулпинорли, М.Ўндер, Ш.Джан, У.Н.Тўпбош⁴, Б.Фурузонфар⁵, А.Зарринкуб⁶, М.Жаъфарий⁷, М.Истеъломий⁸, Т.Пурномдориён⁹, Ж.Ҳумой¹⁰, К.Замоний¹¹, И.Худоёр¹², Н.Одилов, Р.Ҳодизода, Ш.Бўриев, К.Саидолимов, Ҳ.Мўсозода, С.Хатлони, Т.Султоний, Н.Нуров¹³ каби европа, рус, турк, грузин, эрон ва тожик олимлари томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликдан кейинги йилларда Шарқ адабиёти тадқиқи, таржимаси ва тарғибига кенг йўл очилди¹⁴. Жумладан, Румий ижоди,

³ Nicholson R.A. The Mathnawi of Jalaluddin Rumi, ed. trad. and commentaries, 8 vol. – London, 1925-1937; Arberry A.J. Mystical Poems of Rumi, First Selection, Poems 1-200, The University of Chicago Press, 208 pp, 1968; Ritter H. Galal-ad-din Rumi und sein Kreis. – Der Islam, 1940-1942. Bd. XXVI; Annemarie Schimmel. The Triumphal Sun: A Study of the Works of Jalaluddin Rumi, SUNY Press, 1993; Читтик У. В поисках скрытого смысла. Суфийская путь любви. Духовное учение Руми: Пер. с англ., арабск. / Сост., предисл. М. Степанянц. – М.: Ладомир, 1995; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965; Брагинский И. 12 миниатюра. М.: Художественная литература, 1976; ўша муаллиф: Несколько слов к книге Фиша Джалалиддина Руми // Джалалиддин Руми. – М.: 1972. – С. 262-266; Джавелидзе Э.Д. У истоков турецкой литературы. Джелаль-ед-дин Руми (вопросы мировоззрения). – Тбилиси: Мецниереба, 1979.

⁴ Cölpınarlı A. Mesnevi şerhi. 6 cild. – İstanbul: 1973–1974; Önder M. Mevlânâ Celâleddîn-i Rûmî, Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara 1986; Джан Ш. Мевляна Джалаледдин Руми – жизнь, личность, мысли. Перевод с английского. – М.: ООО «Издательство новый свет», 2008; Тўпбош У.Н. Бир кўза сув. Туркчадан С.Сайфуллох таржимаси. – Т.: Фан, 2007. – 200 б.

⁵ بديع الزمان فروزانفر. احاديث مثنوی. – تهران: ۱۳۳۴؛ بديع الزمان فروزانفر. مأخذ فصص و تمثيلات مثنوی. – تهران، امير کبير، ۱۳۶۲

⁶ عبد الحسين زرينکوب. بحر در کوزه. – تهران: علمی، ۱۳۶۸؛ عبد الحسين زرينکوب. سر نی. جلد های ۲ و ۱. – تهران: علمی، ۱۳۶۸

⁷ محمد تقی جعفری. تفسير و نقد و تحليل مثنوی جلال الدين محمد مولوی. ۱۵ جلد. – تهران: انتشارات اسلامي، ۱۳۶۶

⁸ Истеъломий М. «Маснавий»га муқаддима. Ж. Мухаммад таржимаси. – Техрон: 2001.

⁹ تقی پورنامداریان. در سایه آفتاب. – تهران: سخن، ۱۳۸۴.

¹⁰ جلال الدين همایی. تفسير مثنوی معنوی. داستان قلعة ضات الصور يا که در هوشربا. – تهران: دانشگاه تهران، ۱۳۸۴.

¹¹ کریم زمانی. شرح جامع مثنوی معنوی. ۷ جلد. – تهران: اطلاعات، ۱۳۷۸

¹² ابراهيم خداييار. دعا در مثنوی. – تهران: انتشارات علم، ۱۳۸۷.

¹³ Одилов Н.Ф. Мировоззрение Джалалиддина Руми. – Д.: Ирфон, 1974; Ҳодизода Р. Чалолуддини Румӣ (Сайри мухтасар дар рӯзгор ва осори ӯ). – Д.: Ирфон, 2007; Буриев Ш.Р. Лексическая синонимия в «Маснави маънави» Джалалиддина Руми. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Д.: 2002; Саидолимов К. Образ человека в рассказах и притчах «Месневи маънави» Джалалиддина Руми: Автореф. дис. ... канд. Филол. наук. – Д.: 2003; Мусозода Х. Способы использования аятов и сказаний Корана в «Месневи маънави» Джалалиддина Руми. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Х.: 2004; Хатлони С. Проблемы поэтических образов в творчестве Джалолуддина Руми. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Д.: 2009; Султонӣ Т. Қалъаи хушрабо. – Х.: Ношир, 2011; Нуров Н. Бозтоби чуғрофиёи таърихӣ ва аносири фарҳанги тоҷикӣ дар осори Мавлоно // Номаи донишгоҳ. – Хучанд. 2007. – №1. – С. 31-47.

¹⁴ Шомухамедов Ш. Мумтоз форс адабиёти (X-XV асрлар). Ўқув қўлланма. – Т.: Quadrat-Print, 2011. – 256 б.; Комилов Н. ва б. Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДШИ, 2011; Иномхўжаев Р.

хусусан, унинг «Маснавий» асарини таржима қилиш ва ўрганишга эътибор кучайди. Н.Комилов, М.Имомназаров, А.Қуронбеков, И.Ҳаққул, С.Олим, Ҳ.Болтабоев, Э.Очилов, Р.Жумаев, Г.Избуллаева, Ж.Холмўминов, Қ.Тўхсанов, У.Ҳамдам¹⁵ ва бошқаларнинг мақола ва китобларида Румий ва унинг ижоди ҳақида қимматли фикрлар айтилган.

Румийнинг «Маснавий» асаридаги ҳикоятларнинг генезиси, мазмунининг қиёсий таҳлили ва композиция масаласини шарқшунослик йўналиши ютуқларига суянган ҳолда илмий-назарий тадқиқ этиш бугунги кунда муҳим ишлардан ҳисобланади.

Н.Зайнобидинованинг «Жалолоддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи»¹⁶ мавзусидаги номзодлик диссертациясида Румийнинг маънавий камолотга оид қарашлари ўрганилган бўлса, Р.Жумаевнинг «Маснавийи маънавий» ва «Лисон ут-тайр»даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили»¹⁷ номли тадқиқотида Румий ҳикоятларининг Навоий ижодида таъсири «Лисон ут-тайр» достони мисолида тадқиқ этилган, Г.Избуллаеванинг «Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш»¹⁸ мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясида Румий ижодидаги дидактик қарашлар баҳсга тортилган.

Лекин юқорида санаб ўтилган ишлар ҳамда чет элларда амалга оширилган тадқиқотларда «Маснавий» ҳикоятларининг генезиси, мазмун-мундарижаси ва композицион қурилишининг қиёсий таҳлили комплекс тарзда монографик йўсинда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Шарқ

Афғонистон дариёзабон адабиёти (XVIII-XIX асрлар). – Т.: 2016; Маннанов А. Литература афганцев на рубеже XVI-XVII в.в. (Рошанийская литература). – Т.: Фан, 2017.

¹⁵ Комилов Н. Румийни англаш иштиёқи // Румий Жалолоддин. Маънавий маснавий: Куллиёт Ж.1. К.1. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 5-13; ўша муаллиф: Жалолоддин Румий «Маснавийи маънавий» асаридан ҳикоятлар (таржима ва талкин) // Жалолоддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: ТДШИ, 2007. – Б. 35–48; Имомназаров М. Тасаввуф адабиёти ва лингвопоэтикаси таҳлил // Шарқшунослик, 2011. – №2. – Б. 46–56; Қуронбеков А. «Маснавийи маънавий»да тасаввуф тимсоллари. – Т.: ТДШИ, 2011; ўша муаллиф: Мавлоно Жалолоддин Румийнинг авлодларга мангу маънавий мероси // Жалолоддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: ТДШИ, 2007. – Б.9-12; Ҳаққулов И. Башарият шоири // Шарқ машғали. – Т.: 1998. – № 1-2. – Б. 50-58; ўша муаллиф: «Миллати ишқ барча динлардин жудо...» / Мавлоно Жалолоддин Румий. Маснавийи маънавий. 6-китоб (форсийдан Жамол Камол таржимаси). – Тошкент–Техрон: Ал-худо, 2004. – Б. 441-446; Олим С. Мавлонолар мавлоноси: Жалолоддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004 йил 4 июнь; Болтабоев Ҳ. «Маснавийи шариф» маънавияти // Жаҳон адабиёти, 2001. – №12. – Б.162-166; Очилов Э. Жаҳон адабиётининг муаззам сиймоси // Очилов Э. Барҳаёт сиймолар. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 183-197; ўша муаллиф: Жалолоддин Румий // Очилов Э. Нафис мажлислар. 1-китоб. – Т.: Info Capital Group, 2018. – Б. 109-134; Жумаев Р. Мавлоно Жалолоддин Румий. – Т.: Янги аср авлоди, 2003; Избуллаева Г.В. Жалолоддин Румий асарларида юксак маънавиятли шахс тарбияси. – Т.: Фан, 2015; Холмўминов Ж. Жалолоддин Румий ва Ғарб адабиёти // Жаҳон адабиёти, 2010. – № 9. – Б.170-175; Тўхсанов Қ. «Маснавий» сабоқлари. – Т.: Фан, 2008; Ҳамдам У. Моҳият кашшофи // Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. Улуғбек Ҳамдам таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 7–10.

¹⁶ Зайнобидинова Н.И. Жалолоддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи. Фалс.фан. номз. диссерт. – Т.: 2011.

¹⁷ Жумаев Р.Н. «Маснавийи маънавий» ва «Лисон ут-тайр»даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили. Филол. фан. фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – С.: 2018.

¹⁸ Избуллаева Г.В. Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш. Педагогика фан. фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – Т.: 2018.

мамлакатлари адабиётшунослиги ва адабий манбашунослигининг долзарб муаммолари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади «Маснавий»даги ҳикоятларнинг генезиси ва манбаларини аниқлаш, уларнинг мазмуни асосида Румийнинг ирфоний тимсоллар яратиш маҳоратини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда ҳикоятлар композициясининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Маснавий»даги ҳикоятларнинг генетик илдизлари ва манбаларини белгилаб, Румий уларни келтиришдан кўзланган мақсадларини аниқлаш;

асардаги халқона, аллегорик ҳикоятларнинг мазмуни асосида муаллифнинг ирфоний тимсоллар яратиш маҳоратини кўрсатиш;

асардаги қуръоний қиссаларни асл манба билан таққослаб, уларнинг Румий ижодида шакл ва мазмун жиҳатидан ўзгаришга учрашининг ички қонуниятларини аниқлаш;

«Маснавий» ҳикоятларининг композицион қурилишини текшириш, ҳикоят ичида ҳикоят услубининг хусусиятларини белгилаш ҳамда қурама ҳикоятларнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатиш;

Румий ва унинг салафлари бўлмиш Санойи ва Аттор маснавийларидаги муштарак ҳикоятларни қиёсий таҳлил этиш орқали улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарининг Р.Никольсон томонидан тайёрланган илмий-танқидий матни танланган¹⁹.

Тадқиқотнинг предмети. «Маснавий» асаридаги ҳикоятларнинг генезиси, мазмуни, композицион қурилиши ҳамда улардаги бадиий рамз ва тимсолларнинг ирфоний тимсолларга айланиши жараёни қиёсий таҳлили тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, тавсифий, систем-структур таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

«Маснавий»даги ҳикоятларнинг генезис ва манбалари аниқланган ҳамда муаллифнинг диний-тасаввуфий қарашларини кенг кўламда ифодалаш мақсадида турли мавзудаги ҳикоятлардан унумли фойдалангани исботланган;

XI асргача яратилган халқона, аллегорик ҳикоятларнинг мазмуни асосида Румийнинг «Маснавий»да қабр, амир, шер сурати, сичқон, қурбақа каби ирфоний тимсоллар яратгани асослаб берилган;

«Мусо ва Хизр», «Сабаъ аҳли», «Зарвон аҳли» каби Қуръоний қиссалар «Маснавий»даги «Шайх Дақуқий», «Қишлоқлик ва шаҳарлик» каби ҳикоятларнинг ғоявий мазмунини кучайтиришда тутган ўрни, асар шаклланишида ҳамда Румийнинг тасаввуфий ғояларини рўёбга чиқаришдаги таъсири аниқланган;

¹⁹ مولانا جلال الدين محمد بلخي رومى. مثنوى معنوى. بر اساس نسخه رينولد نيكلسون. با مقدمه دكتور مير جلال الدين كزازی. — تهران: سراب نیلوفر: صومعه، ۱۳۸۴.

«Маснавий» ҳикоятларининг жанрий хусусиятлари, композицион қурилиши, Румийнинг ҳикоятлардан фойдаланиш усуллари, монтаж усулида курама ҳикоят ҳосил қилиш ва ҳикоят ичида ҳикоят услубини қўллаш асослари далилланган;

Румий ҳикоятларини ўзидан олдинги шоирлар ижодидаги ҳикоятлар билан қиёсий ўрганиш натижасида шоир уларни бадиий мақсадига хизмат қилдириш учун ўзига хослиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

«Маснавий» ҳикоятларининг генезиси ва манбалари аниқланди, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, композицион қурилиши, мавзулар кўлами ўрганилиб, ғоявий асослари ойдинлаштирилди;

Ўзбекистондаги таълим тожик тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 10-синф «Адабиёт» дарслигини яратишда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий маълумотларнинг ишончли манбага таянилганлиги, амалга оширилган таҳлиллар тарихий-қиёсий, тавсифий, систем-структур таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, мумтоз форс адабиётида кенг тарқалган ҳикоятларнинг генезиси, композицион қурилиши, хусусан, «Маснавий» ҳикоятларининг шакл ва мазмуни таҳлил этилди. Бу эса турли ҳикоятлар асосида баён этилган диний, тасаввуфий ва умумбашарий ғояларни тушунишга имкон беради. Тадқиқотнинг илмий хулосалари ирфоний дostonчиликнинг ўрганилмаган жиҳатларини ойдинлаштиришга замин яратади.

Тадқиқот натижалари «Маснавий» ҳикоятларининг баёнида қўлланган услублардан хабардор бўлишга, адабиёт назарияси, мумтоз форс адабиёти тарихи, тасаввуф адабиёти, Шарқ халқлари адабиёти ва жанрлари типологияси, адабий алоқалар, шунингдек, адабиётшунослик, тасаввуфшунослик, маънавият асослари каби фанлардан дарслик ва қўлланмалар яратишда ёрдамчи манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жалолиддин Румийнинг «Маснавий» асаридаги ҳикоятларнинг генезиси, мазмуни ва композицияси тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

«Маснавий»даги ҳикоят ичида ҳикоят услубига доир илмий-назарий натижалар ОТ-А1-36 рақамли «Алишер Навоийнинг «Хамса» дostonлари асосида частотали луғатлар тузиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 мартдаги 89-03/1129-сон маълумотномаси). Натижада адабий таъсир ва қиёсий-типологик таҳлил доираси кенгайган, лойиҳа материаллари янги манба ва қарашлар билан мукамаллашган;

«Маснавий»нинг тасаввуф шеърляти таъсирига бағишланган таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан филология ва тилларни ўқитиш (Шарқ тиллари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тавсия этилган

«Турк адабиёти (1-қисм)» номли дарсликда «Тасаввуф адабиёти ҳақида тушунча. Мавлоно Жалолиддин Румий – мутасаввиф шоир» мавзусини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 майдаги 89-03/2012-сон маълумотномаси). Натижада Румийнинг «Маснавий» асарининг мазмун-мундарижаси бўйича берилган маълумотлар ҳамда таҳлилий фикрлар дарсликнинг мазмунини бойитишга хизмат қилган;

Румийнинг «Маснавий»ида келтирилган ҳикоятларнинг композицияси борасидаги новаторлиги бўйича натижалардан Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан илмий-маданий соҳада амалга оширилаётган фаолиятлар доирасида муҳим манба сифатида фойдаланилган (Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Маданият ишлари бўлимининг 2019 йил 8 апрелдаги маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасининг амалиётга жорий қилиниши «Маснавий» ҳикоятлари борасидаги фикрларни янада бойитишда муҳим асос бўлган;

тадқиқотга тортилган ҳикоятларнинг композицион қурилиши, мазмун-мундарижасидан олинган натижалар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» радиоканалида эфирга узатиладиган «Меҳрангез», «Гулшани адаб» дастурлари доирасидаги туркум эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Mahalla» телерадиоканалининг 2019 йил 5 мартдаги 04-96-сон маълумотномаси). Натижада радиоэшиттириш учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, «Маснавий» ҳикоятларининг талқини шахс камолотида тарбиявий-ахлоқий аҳамияти ҳамда бу йўналишда Румийнинг ўрнини идрок этиш кучайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 мақола, жумладан, 11 таси республика ва 1 таси хорижий журналда чоп этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 165 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, мақсад ва вазифалари, объект ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Маснавийи маънавий**»нинг **ҳикоятлари ва уларнинг тадқиқи**» деб номланиб, уч фаслдан таркиб топган. Бобнинг «Маснавийи маънавий»нинг жаҳон миқёсида ўрганилиши» деб номланган биринчи фаслида «Маснавий»га оид яратилган тадқиқотлар, ёзилган шарҳлар ҳамда асарнинг таржималари масаласида сўз юритилади. «Маснавий»нинг илмий-танқидий нашри илк марта таниқли инглиз олими Р. Никольсон томонидан амалга оширилди. Олим 15 йил (1925 йилдан 1940 йилга қадар) давомида ушбу асарнинг тасҳиҳ, таржима ва шарҳи билан шуғулланди. Бугунги кунгача Р.Никольсоннинг тасҳиҳ қилиб нашр эттирган матни «Маснавий»нинг ишончли нусхаларидан бири ҳисобланади.

Эрон олими Бадиуззамон Фурузонфар «Маснавийи маънавий»даги ҳадисларни тўплаб, уларнинг манбаларини кўрсатиб берди. Шундан кейин «Маснавий»даги қисса ва масаллар манбаларини аниқлашга киришиб, араб ва форс тилларидаги анчагина манбаларини топишга муваффақ бўлди²⁰. Абдулҳусайн Зарринкуб «Маснавий»нинг таҳлилий шарҳи бўйича 2 жилддан иборат «Сирри най»²¹ асарини ёзди. Унда Румийнинг «Маснавий»ни яратишда қўллаган тил ва баён тарзини ёритиб бериб, асарнинг ғоя ва мазмунини кенг миқёсда таҳлил қилди. Жалолиддин Ҳумоий «Мавлавийнома»²² асарида Румийнинг «Маснавий»даги фалсафий, диний ва ирфоний қарашларини мавзу бўйича таҳлил қилиб, шу йўсинда асардаги серқирра байтларнинг моҳиятини очиб беришга муваффақ бўлган. Иброҳим Худоёр «Маснавийда дуо»²³ номли асарида дуо мазмунида келган матнларни тадқиқ қилиб, Румийнинг ушбу асарида дуо бўйича келган байтлар алоҳида ўрин тутганини аниқлаб беради. Бу китоб Румий ижодида дуонинг муҳим ўрнини белгилаган.

Шарқшунос олим Аҳмадкул Қуронбеков «Маснавийи маънавий»да тасаввуф тимсоллари» номли асарида ишқ, ақл, инсон, руҳ, дил каби тимсолларни «Маснавий» матни асосида таҳлил қилиб, аниқ мисоллар билан ёритиб берган²⁴. Бу асар Румийнинг «Маснавий» асарида қўлланилган тимсоллар билан яқиндан танишишга замин яратади.

«Маснавий»нинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида шарҳ характеридаги асарлар вужудга келган. Аммо, қайд этиш жоизки, «Маснавий»даги айрим байтларнинг илк шарҳи Румийнинг насрий асари бўлмиш «Фиҳи мо фиҳи»да мавжуд. Муаллиф унда «Маснавий»нинг қуйидаги байтини чуқур ирфоний таҳлилга тортгани ўша замонда ҳам ушбу асар байтларининг шарҳига эҳтиёж сезилганини белгилайди:

ای برادر تو همان اندیشه ای مابقی تو استخوان و ریشه ای.²⁵

Мазмуни: *Эй биродар, сен ўша фикрсан, қолганинг суяк ва илдиздир.*

²⁰ بدیع الزمان فروزانفر. احادیث و قصص مثنوی. – تهران: امیر کبیر، ۱۳۸۱

²¹ عبد الحسین زرینکوب. سر نی. جلد های ۱، ۲. – تهران: علمی، ۱۳۶۸

²² جلال الدین همایی. مولوی نامه. مولوی چه می گوید. عقاید و افکار مولانا جلال الدین محمد مولوی. – تهران: ۱۳۵۴، بخش اول و دوم

²³ ابراهیم خدایار. دعا در مثنوی. – تهران: انتشارات علم، ۱۳۸۷، ۳۱۲ ص.

²⁴ Қуронбеков А. «Маснавийи маънавий»да тасаввуф тимсоллари. – Т.: ТДШИ, 2011. – 216 б.

²⁵ مولانا جلال الدین محمد بلخی رومی. مثنوی معنوی. ۱۳۸۴، ۲۷۷/۲.

Камолиддин Хоразмийнинг «Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор»²⁶, Яъқуб Чархийнинг «Най рисолаши», Абдурахмон Жомийнинг «Найнома»си²⁷, Хожа Айюбнинг «Асрор ул-ғуюб» шарҳи»²⁸, Бахрулулумнинг «Маснавийи маънавий»нинг ирфоний тафсири»²⁹, Мулло Ҳодийи Сабзаворийнинг «Маснавий» шарҳи»³⁰, Одина Хоразмийнинг «Мифтоҳ ул-асрор»³¹ каби асарлари «Маснавий»га битилган қадимий шарҳлар ҳисобланади.

«Маснавий» бўйича турли тилларда кўпгина китоб, монография ва мақолалар ёзилганига қарамай, муаллиф назарда тутган ғоя ва мазмунлар ҳалигача тўлиқ таҳлил қилингани йўқ. Бунинг учун учта асосий сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан, таҳлилларнинг бир қисми такрордан иборат бўлса, иккинчидан, айрим тадқиқотчилар ўзларининг дунёқарашини «Маснавий» байтлари асосида исбот қилмоқчи бўлганини белгилайди, ҳолбуки, ушбу асарга айнан Румий кўзи билан қараш керак эди. Шундагина, муаллифнинг ижодий мақсадларини англашга имкон туғилади. «Маснавий» матни асосида турли хулосалар келиб чиқиши ҳам уни тушунмасдан талқин қилиш натижасида вужудга келади. Учинчидан, айрим шарҳловчи олимлар «Маснавий»даги Румий назарда тутган асосий ғояларни ёритиб беришга улгурмагани ёки бошқа ишлар билан банд бўлиб қолгани ёки бундай йирик асардаги мазмунларни қамраб ололмагани билан изоҳланади.

Бу фаслда эрон, турк, европа, рус, тожик ва ўзбек олимлари томонидан «Маснавий» бўйича қилинган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади.

Бобнинг «Маснавийи маънавий» ҳикоятлари тадқиқи» номли иккинчи фаслида «Маснавий» ҳикоятларининг манбаси, генезиси, композицион қурилиши, мазмуни бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ҳақида маълумот берилади ва уларга муносабат билдирилади. Тадқиқот олдида қўйилган вазифа ҳикоятларнинг генезисини аниқлашдангина иборат бўлмай, балки бу иш орқали XI асргача яратилган халқона, аллегорик ва тарихий ҳикоятларнинг ахлоқий, ижтимоий ва фалсафий ғоялар асосида талқин қилинишини текшириш ва уларнинг Румий ижодида янги мазмун – ирфоний тимсол сифатида қўлланилишини тадқиқ этиш ҳисобланади. «Маснавий»даги ҳикоятларни асл манбалари билан таққослаб, уларнинг мазмун ва ғоясига кўра, муштарак ва фарқли жиҳатларини очиб берилиши ушбу тадқиқотнинг асосий йўналишларидан эканлиги таъкидланган.

А.Зарринкуб «Маснавий»даги қисса ва масалларни таҳлил қилиб «Кўзадаги денгиз»³² номи билан нашр эттирди. Тақи Пурномдориён «Қуёш

²⁶ Камал الدين حسين ابن حسن خوارزمي. جواهر الاسرار و ضواهر الانوار. در 4 مجلد. با تصحيح دكتور محمد جواد شريعت. - تهران: اساطير، ۱۳۸۴.

²⁷ مولانا يعقوب چرخي. رساله نائيه؛ مولانا جامي. رساله ني. مقدمه، تحشيه و تعليق خليل الله خليلي. - كابل: ۱۳۳۶.

²⁸ خواجه ايوب. اسرار الغيوب. شرح مثنوي معنوي. - تهران: اساطير، ۱۳۷۷، ۶۸۴ ص.

²⁹ محمد بن محمد بحر العلوم. تفسير عرفاني مثنوي معنوي. - تهران: ايران باران، ۱۳۸۳.

³⁰ ملا هادي سبزواري. شرح مثنوي. - تهران: وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامي، ۱۳۷۴.

³¹ Шайх Одина Мухаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. «Маснавийи маънавий» тафсири. Форсийдан Махмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мусиқа, 2006.

³² عبد الحسين زرينكوب. بحر در كوزه. - تهران: علمي، ۱۳۶۸.

соясиди»³³ номли асарида форс шеърятти, жумладан, Румий шеъряттидаги ноанъанавийликлар ҳақида фикр юритар экан, «Маснавий» ҳақида сўзлаганда, унинг дидактик жиҳатларига эътибор қаратиб, сюжетларда келган диалоглар ўрни ҳақида тўхталиб ўтади.

Ҳикоятларнинг таснифи маълум даражада матн қатидаги маъноларни тушунишга замин яратади. Ҳошим Муҳаммадий шу жиҳатларни инобатга олиб, ўз мақоласида «Маснавий» ҳикоятларини мавзу жиҳатдан тасниф қилиб, ҳар бир туркум бўйича қисқача маълумот бериб ўтади³⁴. Ҳодий Бекдилий «Маснавий»нинг «Қари мутриб» ҳикоятини психология нуқтаи назаридан ўрганиб чиққанлиги илмий аҳамиятга эга³⁵. Жалолиддин Ҳумоий «Маснавий»нинг охириги ҳикояти бўлмиш «Подшоҳ ва унинг уч ўғлига насиҳати»ни таҳлил қилар экан, ҳикоят манбасини Шамс «Мақолот»идан кўрсатади ҳамда ҳикоятда ифодаланган ғоя бўйича икки хил талқинни келтиради³⁶. Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов «Маснавий»нинг олтига ҳикоятини насрий баён қилиб, Румий назарда тутган ирфоний-фалсафий мазмунларни таҳлилга тортган³⁷.

Х.Занднинг диссертациясида «Маснавий»даги ҳайвонлар билан боғлиқ ҳикоятлар таҳлил қилинган, аммо у ўз ишида ҳикоятлардаги ҳайвонларнинг ижобий ва салбий маъноларда келишини текширган³⁸. М.Ҳусайннинг тадқиқотида «Маснавий»даги куръоний қиссалар асосан, Мусо ва Сулаймон қиссалари мисолида тадқиқ этилган³⁹. К.Саидолимов ўз тадқиқотида инсон образини «Маснавий» ҳикоятлари асосида татбиқ этишга киришган ҳамда най «Маснавий»да комил инсон тимсоли эканини «Маснавий» шарҳлари асосида тасдиқлаган⁴⁰. Р.Жумаевнинг диссертациясида «Маснавий» ва «Лисон ут-тайр»даги муштарак ҳикоятлар қиёсий таҳлил этилган⁴¹. Ушбу тадқиқотда Румийнинг ҳикоятларни талқин қилиш усулларидан Навоий ҳам фойдалангани таъкидланади.

Бобнинг «Маснавийи маънавий» таркибидаги ҳикоятлар» деб номланган учинчи фаслида Румийнинг ушбу асарда келтирган ҳикоятлари, уларнинг матнда турли номлар билан берилиши, бу ҳикоятларнинг шакллари ва таснифлари ҳақида баҳс юритилади. «Маснавий»да ҳикоятлар ичида, қаҳрамонларнинг фикрларидан ташқари, бошқа кишиларнинг мавзуга оид кўплаб сўзлари ҳам келтириладики, бундай йўл тутиш асосий сюжетни ажратиб олишда қийинчилик туғдириши табиий. Румий муридларга тасаввуфий

³³ دکتر تقی پورنامداریان. در سایه آفتاب. - تهران: سخن، ۱۳۸۴، ۴۱۸ ص.

³⁴ هاشم محمدی. انواع داستان در مثنوی. مجموعه ای مقالات. نشریه داخلی. شماره ی ۶۳، مهر و آبان ۱۳۸۸، ص. ۳۱.

³⁵ هادی بیگدلی. روانکاوی پیر بلخ. - تهران: ۱۳۸۸، ۹۹ ص.

³⁶ جلال الدین همایی. تفسیر مثنوی معنوی. داستان قلعه ضات الصّور یا که دز هوشربا. - تهران، دانشگاه تهران، ۱۳۸۴، ۲۵۴ ص.

³⁷ Комилов Н. «Маснавий» ҳикоятларининг таржима ва талқини // Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. Илмий мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир Қуронбеков А. - Т.: ТДШИ, 2007. - Б. 35-48.

³⁸ Хатам З.Б. Перевоплощение животных в рассказах «Маснави манави» Джалоладдина Руми. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Душанбе: 2012. - 23 с.

³⁹ Мусозода Х. Способы использования аятов и сказаний Корана в «Месневи маънави» Джалолиддина Руми. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Худжанд: 2004. - 28 с.

⁴⁰ Саидолимов К. Образ человека в рассказах и притчах «Месневи маънави» Джалолиддина Руми: Автореф. диссертация кандидата филологических наук. - Душанбе: 2003. - 24 с.

⁴¹ Жумаев Р.Н. «Маснавийи маънавий» ва «Лисон ут-тайр»даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили. Филол.фан. фалсафа докт. (PhD) дис. автореф. - Самарқанд: 2018. - 45 б.

маъноларни қиёс ва далил орқали кенгроқ кўламда тушунтириб бериш мақсадида «Маснавий»да ўзига хос услубни қўллаган. Шунинг учун асардаги ҳикоятлар яхлит бир тизимга солинмаган бўлса-да, улар гоё ва мазмун жиҳатидан бир-бирини тўлдиради.

«Маснавий»нинг илк байтидаёқ «бишнав» («тингла»), «най» сўзлари қатори «ҳикоят» сўзининг ҳам келтирилиши бежиз эмас. Бу ерда най қандай ҳикоят қилиши масаласида сўз юритилади. Демак, Румий асардаги ҳикоятларни қандай ривоят қилишига ишора қилиб ўтган. У ўқувчини эшитишга жалб қилиш учун «چون حکایت میکند» (қандай ҳикоят айлағай) деганда, бир томондан, тингловчи диққатини асарни эшитишга қаратмоқчи бўлса, иккинчи томондан, ўзининг ҳикоятчилик услубига ишора қилади.

«Маснавий»да «ҳикоят» атамаси жанр сифатида, асосан, сюжетли матнларга нисбатангина қўлланилган. Битта сюжетли матннинг турлича номланиши, биринчидан, Румий замонида адабий шакллар (қисса, ривоят, ҳикоят, дoston кабилар)нинг жанр сифатидаги хусусиятлари ва фарқли жиҳатлари ажратилмаганини, иккинчидан, улар орасида айрим фарқлар бўлган тақдирда ҳам, Румий бу адабий жанрлардан қобик сифатида фойдалангани учун жанрий хусусиятларига эътибор қаратмаганини англатади. Шунинг учун «Подшоҳ ва жория», «Савдогар ва тўти» каби ҳикоятларда битта сюжетли матнни ҳам «ҳикоят», ҳам «қисса», ҳам «дoston» деб номлаган.

«Ҳикоят» сўзи «Маснавий» матнида «сўз», «сўзлашиш», «ривоят», «эртак», «нақл», «ўғит» каби маъноларни ифодалайди.

Муаллифнинг бадиий мақсадига мос келган ҳикоятларнинг такроран келтирилиши шунчаки сюжетнинг қайтариғи эмас, балки фикрнинг турли жиҳатларига ойдинлик киритиш мақсадида амалга оширилган. Такрор келган ҳикоятлар икки кўринишда учрайди. Биринчидан, битта ҳикоят сюжети такрор баён қилинади, бунга 3-дафтардаги «Хачирнинг туя олдида шикоят қилгани» ривоятини мисол келтириш мумкинки, у 4-дафтарда ҳам такрорланган. Иккинчидан, ҳикоятнинг мазмунига умумий ишора қилинади.

Ҳикоятларнинг номланиши ҳам, олдинги назмий ҳикоятлардан фарқли ўлароқ, узун бўлади. Баъзан шоир ҳикоят мазмунига бир неча бирикма ёки гап билан ишора қилиб ўтади. Ҳикоят давомида муаллиф эсига бирор масала тушиб қолса, ўшанинг таҳлилидан кейин ҳикоятга мурожаат қилиб, «بقية قصة...» (... қиссасининг давоми) ёки «رجوع به حکایت...» (... ҳикоятига қайтиш) каби бирикмалар билан ўқувчи диққатини сюжетга жалб этади.

«Маснавий»нинг 1-дафтарида 4 та ҳикоятнинг генезиси ва 1 та ҳикоятнинг манбаси аниқланди: 1. «Савдогар ва тўти» ҳикояти – «Панчатантра» (генезис); 2. «Бўри, тулки ва шер» ҳикояти – «Эзоп масаллари» (генезис); 3. «Тилишунос ва қайиқчи» ҳикояти – «Эзоп масаллари» (генезис); 4. «Шер ва қуён» ҳикояти – «Эзоп масаллари» (ўхшаш мазмун); 5. «Нок дарахти» ҳикояти – «Эзоп масаллари» китобида киритилган «Роберт ўғли Ромул» тўплами (айни шу мазмун).

Ҳикоятларнинг манбаси ва генезисини аниқлаш халқона, аллегорик ва тарихий ҳикоятларнинг Румий ижодида янги мазмун – ирфоний тимсол касб этишини белгилайди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Маснавийи маънавий**» ҳикоятларининг генетик илдизлари ва манбалари» деб номланиб, 5 фаслни ўз ичига олади.

Бобнинг «Ҳикоятларнинг манбалари таснифи» номли биринчи фаслида «Маснавий»да келтирилган ҳикоятларнинг манбалари тасниф қилинади. Эрон олими Б.Фурузонфар «Маснавий»даги қисса ва масалларнинг манбалари» номли асарида маълум миқдор ҳикоятларнинг манбаларини аниқлаган, лекин у манбасини аниқламаган яна 73 та ҳикоят борлиги асослаб берилди. Тадқиқотда 15 та ҳикоятнинг генезис ва манбалари аниқланди. Бундан ташқари, «Маснавий»даги бошқа манбаларда учрамайдиган 3 та ҳикоят Румийнинг «Мажолисиси сабъа» ва «Фиҳи мо фиҳи» асарларида мавжудлиги маълум бўлди.

«Маснавий»да келтирилган ҳикоятларни манбасига кўра, тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1. *Битта аниқ манбадан олинган ҳикоятлар.* Румий айрим ҳикоятлар бошланишида уларнинг манбасига ишора қилиб ўтади. Демак, ўша ҳикоят бошқа манбада мавжуд бўлса ҳам, муаллиф айнан қайси манбадан олинганини ўзи таъкидлагани учун ўша манба асос қилиб олинади. Қуйидаги ҳолатларда ҳикоятларнинг маълум бир манбадан олинганини эътироф этиш мумкин: а) муаллифнинг ўзи ҳикоят манбасига ишора қилган бўлса; б) Қуръондаги қиссалардан ўзгаришсиз олинган ёки ҳикоятнинг асосий мазмунини ташкил этадиган ривоятлар мавжуд бўлса; в) ҳикоят манбасидан ҳалигача фақат биттаси маълум бўлиб, «Маснавий» ҳикоятига мазмунан ўхшаса. 2. *Бир неча манбадан олинган ҳикоятлар.* Бу туркумга кўп вариантли ҳикоятлар мансубдир. Масалан, Қуръондаги қиссаларнинг тафсирлар асосида тўлдирилган вариантлари мавжуд. Румий қуйидаги ҳолатларда бир неча манбадан фойдаланган: а) фойдаланиш эҳтимоли яқин бўлган манбадан ташқари, бошқа манбада ҳикоят сюжетига яқинроқ воқеа мавжуд бўлса; б) битта ҳикоятда бир неча сюжетнинг қоришмаси кузатилса; в) халқона ёки аллегорик ҳикоятнинг вариантлари кўп бўлса; г) шоирнинг ўзи қайси манбага таянганлиги номаълум бўлса; 3. *Манбаси аниқланмаган ҳикоятлар.* «Маснавий» асарида ҳалигача манбаси аниқланмаган ҳикоятлар ҳам мавжуд. Масалан, «Шайх Дақуқий» ва «Шайх Муҳаммад Сарразий» қиссаларининг манбаси ҳалигача маълум эмас. Тадқиқотчилар айрим ҳикоятларни «Шайх Дақуқий» ҳикоятига ўхшаш деб кўрсатишса-да, лекин бу сюжетнинг асл манбасини белгилаб беролмайди. Яна шундай ҳикоятлар мавжудки, уларнинг қаҳрамони типик бўлиб, ўхшаш варианты бирор манбада учрамайди ёки улар қайси манбадан олинганини тасдиқловчи далил йўқ. 4. *«Маснавий»даги воқеий ҳикоятлар.* Асарда Румийнинг ўзи кўрган-кечирганлари асосида яратилган ҳикоятлар ҳам бўлиши табиий. Унинг «Маснавий» ва бошқа асарларидаги ишоралари ва маноқиблар маълумоти асосида айтиш мумкинки, муаллиф айрим жойларда ўзи шоҳид бўлган ёки бевосита қатнашган воқеалар бўйича янги ҳикоятлар ҳам яратган. Масалан, «Маснавий»нинг 3-дафтаридаги «Ушбу икки ҳадис: «Ар-ризо билкуффри куфрун» ва «Ман лам ярза биказойи фалятлуб

раббан сивойи» орасидаги тавфиқ» мақолати ичида Румий бир ҳикоятни ўз тилидан баён қилади. Бу ҳикоят қаҳрамони – шоирнинг ўзи:

دی سؤالی کرد سائل مر مرا زان که عاشق بود او بر ماجرا.⁴²

Мазмуни: *Ўтган куни бир сўровчи менга савол берди. Чунки у можарони билишига муштоқ эди.*

Бобнинг «Халқона ҳикоятлар олинган манбалар» деб номланган иккинчи фаслида халқ оғзаки ижодидан олинган ҳикоятларнинг манбаси ва генезиси ҳақида маълумот берилади. Халқона ҳикоятлар «Маснавий» шаклланишида алоҳида аҳамиятга молик. Улар Румийнинг ўз ижодий мақсадларини баён этишига замин яратган. Халқона ҳикоятларнинг вариантлари ҳам кўп бўлади ва асрлар давомида ўз мазмунини сақлаган ҳолда замон ва макон шароитига кўра ҳар бир миллат мафқурасига мослашиб боради. Аммо халқ ичида шаклланган ҳар қандай сюжетли матнларни бевосита одамларнинг кўрган-кечирганлари маҳсули деб қараш лозим. Уларнинг тили, услуби, ҳатто, мазмун-мундарижаси ҳам ўзгаради. Румий ҳам халқона ҳикоятларни турли манбалардан олиб, уларга янгича маъно берган ҳамда ўзи илгари сурган ғоялар ифодаси учун ҳикоят баёнида турли услублардан фойдаланган. Жумладан, 4-дафтарда келган «Нок дарахти» ҳикоятининг манбаси ҳақида К.Замоний «Маснавийи маънавий»нинг мукамал шарҳида: «Бу ҳикоят («Нок дарахти» ҳикояти – Х.Х.) бирор манбадан топилмади... Мавлоно ўзи яратган бўлиши мумкин», – деб ёзади⁴³. Биз бу ҳикоятнинг айна шу мазмундаги вариантини «Эзоп масаллари» китобига киритилган «Роберт ўғли Ромул» тўпламида учратдик. Ушбу ҳикоятнинг бошланиши «Маснавий»да йўқ. Румий асаридаги хотин киши дарахтдан тушганидан кейин унинг эри дарахтга чиқиши ҳам «Роберт ўғли Ромул» тўпламида учрамайди.

Бобнинг «Аллегорик ҳикоятлар генезиси» номланган учинчи фаслида «Маснавий»да қўлланилган аллегорик ҳикоятларнинг манбаси ва генезиси борасида мулоҳаза юритилади. Таҳлил давомида 3 та аллегорик ҳикоят – «Инсон ва айиқ», «Савдогар ва тўти» ҳикоятлари генезиси «Панчатантра»дан, «Шер ва қуён» ҳикояти ўхшаш мазмуни «Эзоп масаллари»дан аниқланди. Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида «Савдогар ва тўти» ҳикоятига ишора мавжуд. Масалан, «Маснавий»да нақл этилган «Инсон ва айиқ» ҳикояти генезисини Б. Фурузонфар «Фароид ус-сулук»даги ҳикоят деб кўрсатган бўлса ҳам, биз унинг қадимийроқ манбасини «Панчатантра»да учратдик. «Панчатантра»да ҳам, «Фароид ус-сулук»да ҳам айиқ ўрнига маймун образи мавжуд. Демак, «Фароид ус-сулук»даги ҳикоятнинг манбаси «Панчатантра»даги ҳикоят, деб тахмин қилиш мумкин.

«Маснавий»даги ҳикоятнинг биринчи бобида – айиқни аждаҳо ютаётганини кўриб, уни қутқарган киши эпизодининг охирида Румий айиқни нафс тузоғида қолдириб, пир мулозамати билан ундан қутулган шогирд ёки мурид тимсолини яратган.

⁴² مولانا جلال الدين محمد بلخي رومی. مثنوی معنوی. بر اساس نسخه رینولد نیکلسون. – تهران: سراب نیلوفر، صومعه، ۱۳۸۴، ۳/۱۳۶۲.

⁴³ کریم زمانی. شرح جامع مثنوی معنوی. جلد ۴. – تهران: اطلاعات، ۱۳۷۵، ص. ۹۹۲-۹۹۱.

Ҳикоят охирида эса айиқ нодон дўст тимсоли бўлиб келган. Ҳатто шоир ҳикоят ичида иккита қуш можаросини келтириб, улар тилидан ҳар ким ўз жинсдоши билан бўлгани яхши деган ғояни илгари суради. Демак, бу ҳикоятда айиқ икки – чорасиз қолган мурид (ирфоний) ва нодон дўст (ахлоқий) тимсолларида гавдаланади.

Иккинчи бобнинг тўртинчи фасли «Қуръондан нақл этилган қиссалар» деб номланган. Бу фаслда «Маснавий»даги Қуръондан олинган қиссалар кўриб чиқилади. «Маснавий»да қуръоний қиссалар тартиб билан ёки олдиндан режалаштириб берилмайди, балки муайян фикрни тасдиқлаш ёки бирор масалани ойдинлаштиришга эҳтиёж сезилган ўринлардагина баён этилади ёки уларга қисқача ишора қилинади.

«Маснавий» – кўпгина қуръоний оятлар каби қуръоний қиссаларнинг ирфоний тафсир этилиши жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга молик асар. Масалан, Иброҳим алайҳиссалом ҳақидаги қиссалар Қуръонда батафсил нақл этилган. Улардан бири «Иброҳим алайҳиссалом ва унинг қушлари» қиссаси Қуръонда Аллоҳнинг ўликни тирилтира олиш қудратини кўрсатиш учун келтирилган бўлиб, Румий уни, батафсил ривоят қилиш билан бирга, ирфоний тафсир ҳам қилган. Қушлар номи Қуръон оятида йўқ, «Маснавий»да эса уларнинг номи (товус, қарға, хўроз, ғоз) келтирилган. Бу тўрт қушни Румий шундай шарҳлаган:

بط حرس است و خروس آن شهوت است جاه چون طاووس و زاغ امنیت است.⁴⁴

Мазмуни: *Ғоз ҳирс бўлиб, хўроз шаҳватдир, мартаба товус каби бўлса, қарға умиддир.*

Фарида Довудий Муқаддам «Тафсирий ва ирфоний матнларда «Халилнинг тўрт қуши» қиссаси» номли мақоласида ушбу қушлар номи зикр этилган 15 та манбани санаб ўтган. Унинг ичида «Маснавий» ҳам бор. Лекин 14 та манбадан фақат учтаси – «Эски тафсирнинг бир қисми», Нишопурийнинг «Қисас ул-анбиё»си ва Баҳоуддин Валаднинг «Маориф» асаридаги қушлар номи Румий баёни билан мос келади. Тўртта асарда ҳам шу тўрт қуш зикр этилган: товус, қарға, хўроз ва ғоз⁴⁵. Бизнингча, Румий ўз қиссасини охириги манба асосида тўлдирган.

Бобнинг «Гасаввуф манбаларидан олинган ҳикоятлар» номли бешинчи фаслида Румийнинг салафлари томонидан яратилган асарларда учрайдиган сўфиёна ҳикоятлар манбалари кўриб чиқилади. Ирфоний ҳикоятлар адабий дostonчиликнинг бир нави бўлиб, мумтоз форс адабиёти шаклланишида муҳим ўрин тутади⁴⁶. Сўфийларнинг сўзлари кўпроқ вaжду ҳол натижаси, мушоҳада ва кашф самараси бўлиб, уларнинг шарҳу тафсили масал ва ҳикоят шаклида осонроқ тушунилади ҳамда таъсирчан чиқади⁴⁷.

⁴⁴ مولانا جلال الدين محمد بلخي رومي. مثنوی معنوی. بر اساس نسخه رینولد نیکلسون. – تهران: سراب نیلوفر: صومعه، ۱۳۸۴، ۴/۵. ⁴⁵ فریده داودی مقدم. قصه چهار مرغ خلیل در متون تفسیری و عرفانی// دو فصل نامه پژوهش زبان و ادبیات فارسی. دوره جدید، شماره چهارم، بهار و تابستان ۱۳۸۴، صص. ۸۱-۹۸

⁴⁶ سهیلا روستا، احمد رضی. نظام داستان پردازی در حکایت های کوتاه کشف المحجوب. فصلنامه علمی – پژوهشی ادبیات عرفانی دانشگاه الزهراء، سال دوم، شماره ۴، بهار و تابستان ۱۳۹۰، ص. ۸۸. ⁴⁷ بدیع الزمان فروزان فر. شرح احوال و نقد و تحلیل آثار شیخ فریدالدین محمد عطار نیشابوری. – تهران: چاپخانه دانشگاه تهران، ۱۳۳۹-۱۳۴۰ ق

Ирфоний ҳикоятлардан бири сифатида «Тоққа хилватга борган дарвеш»ни таъкидлаш мумкин. Бу ҳикоят Шайх Абулхайр Иқтаъ ҳаётига мансуб. Шайх Калободийнинг «ат-Таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф» (Тасаввуф йўлини таништириш) асарида бу ҳикоятнинг асл манбаси борлиги аниқланди. Ушбу ҳикоятнинг яна бир варианты Мустамлий Бухорийнинг «Шарҳ ат-Таъарруф» асарида мавжуд⁴⁸. Ҳикоятнинг бирор манбасида шайхнинг сават тўқиши ҳақида сўз юритилмаган. «Шарҳ ат-Таъарруф» асарида Сулаймон алайҳиссаломнинг сават тўқиши ҳақида бир ривоят бор. Ўйлаймизки, Румий ҳикоятнинг таъсирини ошириш учун ўша сават тўқиш эпизодини Шайх Иқтаъга нисбат бериб, ҳикоятга киритган. Сулаймоннинг сават тўқигани ҳақида «Мажолиси сабъа»да ҳам ишора бор⁴⁹.

«Маснавий»даги ирфоний ҳикоятларнинг янги кўринишда намоён бўлиши ва улардан 2 тасининг манбалари ёки Румий даврига яқин асарда борлиги исботлаб берилди. Булардан «Овози қабиҳ муаззин» ҳикоятининг ўхшаш варианты Саъдийнинг «Гулистон»ида мавжуд, «Шайх Абул Хайр Иқтаъ» ҳикоятининг яна иккита варианты: «ат-Таъарруф» ва «Шарҳ ат-Таъарруф»да борлиги аниқланди.

«Маснавий»да анбиёлар ва саҳобалар ҳақидаги ҳикоятлар ҳам тасаввуфий манбалардан олингани кузатилади. Масалан, «Душманнинг Али юзига тупургани» ҳикоятининг манбасини Б.Фурузонфар «Эҳё ул-улум»даги ривоят деб таъкидласа, турк олими Абдулбоқий Гулпинорли Амру бин Абдудд ва ҳазрат Али ўртасида бўлган воқеани ҳикоят манбаси деб эътироф этади⁵⁰, ҳолбуки, бу ҳикоят тасаввуфий манбалардан бири бўлмиш Б.Тирмизийнинг «Маориф»ида айнан келтирилган⁵¹. А.Гулпинорли ҳикояти бўйича, ҳазрат Али душманни ўлдиради, «Маориф»да эса уни ўлдиришдан воз кечади. «Маснавий»да иккинчи варианты мавжуд.

Ҳикоятларнинг манбаларини аниқлашда Б.Фурузонфардан фарқли равишда яна «Панчатантра», Ал-Калободийнинг «ат-Таъарруф», Ғаззолийнинг «Насихат ул-мулук», Бурҳониддин Тирмизийнинг «Маориф», Аҳмад Тусийнинг «Ажойиб ул-махлуқот», Низомийнинг «Хусрав ва Ширин», Атторнинг «Булбулнома» номли асарларидан ҳам кўшимча манбалар сифатида фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Маснавийи маънавий**» ҳикоятларининг **таснифи ва қиёсий таҳлили**» номланиб, тўрт фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фасли «Ҳикоятлардаги ирфоний тимсоллар»га бағишланган бўлиб, ҳикоятларни манбаси билан қиёсий таҳлил қилиш орқали Румий улар асосида янги ирфоний тимсоллар яратгани мисоллар билан кўрсатиб берилди.

Ижтимоий, сиёсий, ахлоқий мазмунда яратилган ҳикоятлар XI асрдан кейин тасаввуфий адабиётда янгича талқин қилина бошланди. Тасаввуфий руҳда ёзилган асарларда турли сюжетли матнларнинг қўлланилиши алоҳида

⁴⁸ مستملی بخاری. شرح التعرف لی مذهب التصوف. – تهران: ص. ۱۲۴۸.

⁴⁹ Мавлоно Жалолоддин Румий. Етти мажлис (Мажолиси сабъа). Р. Ҳакимжонова таржимаси. –Т.: Мумтоз сўз, 2015. – Б. 67.

⁵⁰ عبد الباقي گولپینارلی. نثر و شرح مثنوی شریف. ترجمه ت. سبحانی. – تهران: وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامی. ۱۳۷۴، ص. ۴۷۴.

⁵¹ معارف. مجموعة مواظ و كلمات سيد برهان الدين محقق ترمذی بهمهراه تفسير سورة محمد و فتح // تصحيحات و حواشی بديع الزمان فروزانفر. – تهران: مركز نشر دانشگاهی، ۱۳۷۷، ص. ۳.

